Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● 15 январь 1970 йил, пайшанба ◆ № 11 (14. 477). ■ Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИН юбилейига 97 КУН ҚОЛДИ

СИЗ ҚАНДАЙ ТУҲФА ТАЙЁРЛАЯПСИЗ?

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ!

ЯНГИЕР. Бу ердаги темир бетон буюмлари ва конструкциялари комбинатининг меҳнатчилари Ленин юбилейини зарбдор меҳнат билан кутиб олмоқдалар. Комбинатдаги энг йирик корхоналарнинг биритемир-бетон буюмлари заводининг коллективи катта галабага эришди. У маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик топшириқни муддатидан олдин бажарди. Ўтган тўрт йил мобайнида завод Мирзачўл забткорлари учун икки юз минг кубометрга яқин том ёпиш плиталари, ички devor плиталар, керамзит-бетон буюмлари тайёрлаб берди. Корхонада меҳнат унумдорлиги анча ошди.

ЯНГИ РЕЖАЛАР

«Ташсельмаш» заводининг қуюв цехида пахта териш машиналари деталларини қолиплашнинг конвейер участкаси республикадаги кўпгина металл ишлаш корхоналаридаги мутахассисларнинг эътиборини жалб килмоқда. Завод меҳнатни илмий ташкил этиш лабораториясининг комплекс планига мувофиқ шу участкадаги меҳнат илмий ташкил этилганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги йигирма процент ошди. Бир неча йиллардан бери машина ишлаб чиқариш маромини бузиб келаётган, иш вақтининг кўплаб бекор ўтишига сабаб бўлаётган «танг жой» шу тарика тугатилди.

14 январда Тошкентда меҳнатни илмий ташкил этишга бағишлаб очилган шаҳар конференциясида меҳнатни илмий асосда самарали ташкил этишга доир мисоллар айтиб берилди. Электрон-техника заводининг элликтэ ишлаб чиқариш участкасида жорий этилган ана шундай планлар кейинги икки йил ичида ярим миллион сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолиш имконини берди.

Тошкент корхоналарида меҳнатни илмий ташкил этишнинг комплекс планларини ишлаб чиқишда 1600 дан ортиқ ижодий бригада қатнашмоқда, деди шаҳар партия комитетининг секретари М. А. Толипов конференцияда килган докладида. Шунинг натижасида икки йил ичида тахминан ўн тўрт миллион сўм тежаб колинди. Ишлаб чиқариш маданиятини ошириш жамоат кўригидан ўтказилган вақтда ишчилар, мастерлар, инженерлар, экономистлар меҳнатни илмий ташкил этишга доир минглаб таклифлар беришди.

Ялпи мажлисда ва секцияларнинг мажлисларида қилинган ўттиздан ортиқ докладда саноатнинг турли тармоқларида меҳнатни илмий ташкил этиш тажрибаси умумлаштириб берилди.

ЭНЕРГЕТИКА ГИГАНТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимиз шарқидаги энг йирик Сирдарё ГРЭСининг бош корпуси пойдеворини ётқизиш учун дастлабки кубометр тупрок олиб ташланди. Умумий қуввати 4.4 миллион киловатт ГРЭСнинг саккиз блоки, баландлиги олтмиш метрдан юқори бўлган бинога жойлашади.

Бу ерда кўпдан-кўп мураккаб инженерлик масалаларини ҳал қилишга тўғри келади. Булардан бири бу ерларда тезлиги секундига 40 метрга борадиган шамолдир. 180 метрлик трубалар шамол кучига бардош бериши учун, уларни диаметри 50 метр бўлган таянчларга маҳкамлаб қўйилади.

ТОШКЕНТ ПАХЛАВОНИ

Узбекистоннинг гидроиншоот қурувчилари Тошкент экскаватор ремонт заводида тайёрланган ва ер қазиш техникасини ташишда ишлатиладиган трайлерларни яхши билишади. 40 тоннага қадар юк кўтара оладиган ана шундай машиналар бошқа республикаларга ҳам тарқалиб бормоқда. Туркманистон механизаторлари трайлерларнинг фазилатини — пухта ишлаши ва нотекис йўллардан юриб кетаверишини биринчи бўлиб баҳолайдилар. Завод қардош республикаларга ирригация иншоотларига 2 трайлер юборди.

Шу беш йилликда корхонада 40 та шундай машина тайёрлаш мўлжалланади. У ўтган йилдагига қараганда 5 та кўп бўлади. Трайлерлар Белоруссияда, Россия Федерациясида ва мамлакатимизнинг бошқа республикаларида ишлайди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVII пленуми 14 январда ўз ишини давом эттирди.

«Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг қарори ва Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари» ҳақида пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. ЛОМОНОСОВ доклад қилди.

Шу масалани муҳокама қилишда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. ШАМСИДДИНОВ, Андижон область партия комитетининг иккинчи секретари А. М. ИЛЮХИН, Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Н. СИГЕДИН, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. ХУДОЙБЕРГАНОВ, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. РАСУЛОВ, Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари В. П. КУЗЬМИН, Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари И. К. ҲУСНИДДИНОВ, Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари Б. А. НОВИЦКИЙ, Тошкент область Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. К. ХАЙРУЛЛАЕВ, Самарқанд область Пайариқ район партия комитетининг биринчи секретари А. М. МЕЛИЕВ, Тошкент шаҳридаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг директори С. У. СУЛТОНОВА, Сирдарё область Мирзачўл район партия комитетининг биринчи секретари С. КЕРИМОВ, Хўжаобод районидаги «Андижон» нефть конининг пармалаш мастери М. НУРМУҲАМЕДОВ, Қашқадарё область Яккабоғ район партия комитетининг биринчи секретари Т. ЧОРИЕВ, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. ҚОРИЕВ қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ пленумда якунловчи нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

Ф. Э. ДЗЕРЖИНСКИЙ НОМИДАГИ ВОЛГОГРАД ТРАКТОР ЗАВОДИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети сизларни улкан меҳнат ғалабаси — миллионинчи трактор ишлаб чиқарилиши билан қизғин табриклайдилар.

Сизнинг заводингиз партия ва халқнинг иродаси билан биринчи беш йилликда рекордли қисқа муддатда вужудга келтирилди. Бу завод совет тракторсозлигининг тўнгичи бўлиб, социалистик қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлашдан иборат умумхалқ ишида ҳақли суратда етакчи ўринни эгаллаб турибди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Волгоград тракторсозларни беш йилликнинг трактор ишлаб чиқариш юзасидан берилган топшириқларини ва Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарадилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

Қадрли ўртоқлар, сизларга сиҳат-саломатлик, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш соҳасидаги олижаноб меҳнатингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ВОЛГОГРАД ТРАКТОР ЗАВОДИГА ЛЕНИН ОРДЕНИ

Мамлакат қишлоқ хўжалигини тракторлар билан таъминлаш соҳасидаги топшириқларни бажаришда эришган муваффақиятлари, ватан тракторсозлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги ва миллионинчи тракторни ишлаб чиқарганлиги муносабати билан СССР Олий Советининг Президиуми ўзининг 14 январдаги Фармонига биноан Ф. Э. Дзержинский номидаги Волгоград трактор заводини Ленин ордени билан мукофотлади.

(ТАСС).

Очоқ газ конидаги В. Аришчев бошлиқ пармаловчилар бригадаси аъзолари Ленин туғилган кунининг 100 йиллигигача қолган ҳар бир кундан самарали фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини янада оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Кечагина пармаловчилар юбилей шарафига янги меҳнат совғаси армуғон этишди. Очоқ газ конидаги янги қудуқлардан бири муддатидан олдин навлаб бўлинди. Суратда: пармаловчилар бригадаси аъзоларидан бир группаси.

Р. Жуманиёзов фотоси.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Республикамизда қурилиш материаллари саноати юксак суръат билан ривожланмоқда. Йилдан-йилга бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган янги-янги корхоналар қад кўтармоқда, заводлар қувватга янги ишлаб чиқариш қувватлари кўшилмоқда. Ана шундай янги қувватлардан бири яқинда Чирчиқда ишга тушди. Шаҳар яқинидаги Юмалоқ керамзитбетон заводининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. Энди корхона ўндан ортиқ хилдаги қурилиш хом ашёси ишлаб чиқаради. Завод иккинчи навбатининг лойиҳа қуввати 60 минг кубометр темир-бетон ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

«Главташкентстрой» Тошкент шаҳрида қурилган марказий арматура устахонаси ҳам юбилей йилида тўла қувват билан ишлай бошлади. Шу йилнинг ўзидаёк 7 минг кубометр темир-бетон материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган устахона шаҳарда олиб борилаётган қурилишларга энг зарур материалларни етказиб беради ва қурилиш суръатини юқори кўтаришга катта ҳисса қўшади.

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

Ажойиб ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берган Ленин номли совхоз билан ён қўшнимиз. Ерларимиз бир-бирига туташ, бир ариқдан сув ичамиз. Қўриқ ер очиш ва ундан дурдона ундиришда ҳамиша бир-биримиз билан маслаҳатлашиб, кўмаклашиб келяпмиз.

Ўтган йилги шароитда қўриқ ўлканинг кенжа хўжаликларидан ҳисобланган бизнинг совхозимиз пахтакорлари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, давлат планини ортиғи билан адо этдилар. **Ватан хирмонига 10 минг тонна «оқ олтин» тўкдик. Совхозимиз пахтачиликдан 4 миллион 300 минг сўм даромад олди. Соф фойданинг ўзи 402 минг сўмни ташкил этди. Ялпи ҳосилнинг 5167 тоннаси машиналар билан териб олинди.** Бу ютуқлар осонликча қўлга киритилмади. Совхозимиз меҳнат аҳли ва бизга энг оғир дамларда ёрдамга келган шаҳарлик дўстларимиз катта жасорат ва матонат кўрсатдилар.

1970 йилга ёруғ юз билан кириб келдик. Ҳозир ҳаммамизнинг фикри ёдимиз янги йилда янги меҳнат зафарларини қўлга киритиш, улуғ доҳиймиз Ленининг шонли юбилей йилини муносиб нишонлашга қаратилгандир. Мана шундай юксак орзу билан меҳнат қилаётган бир пайтда қўшниларимиз катта ватанпарварлик ташаббусини бошладилар. Уларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш ва беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятларини ўқиб чиққан совхозимиз меҳнат аҳли янги зафарларга илҳомланди. Биз ҳам қўшнилардан ортда қолмасликка қарор қилдик. Бу йилги мавсумда янги қўриқлар очиб, пахта майдонларимизни кенгайтирамиз. 1500 гектар ерга биринчи бор чигит экамиз. Совхозимизнинг умумий пахта майдони 8200 гектарга етказилади. Янгидан иккита бўлим ташкил этилади. **Она-Ватанга плондаги 10 минг 570 тонна ўрнига 12 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз. Бу йил совхозимиздаги ҳар бир ишчи ҳисобига 20 тоннадан пахта етиштирилади.**

Юбилей йилининг улкан хирмони учун жанговар курашни аллақачон бошлаб юборганмиз. Барча пахта майдонларимиз сифатли шудгорланди. Тупроқда намни сақлаш учун февраль ойида 4000 гектар ерга яхоб суви берамиз.

Ленин номли совхоз коллективининг социалистик мажбуриятини диққат-эътибор билан ўқиб ва ўрганиб чиқдик. Биз ҳам қўшнилримизни сингари энг аввало механизатор кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берамиз. Бундан совхознинг ўзида алоҳида курс очиб 50 механизатор тайёрланган эди. **Бу йил ўтган йилга қараганда икки баравар кўп механик-ҳайдовчилар тайёрлаймиз. Бригада бошлиқлари, бўлим бошқарувчилари ва агрономларнинг икки ҳафталик агротехника курслари ташкил этилади.**

Совхозимизнинг марду майдонлари қўшниларимиз бошлаб берган олижаноб ташаббусни тўла маъқуллаб, 1970 йилда пахтачиликни комплекс механизациялаш, пахтани машиналарда теришни кенг жорий этишда зарбдор юриш қилишга аҳд қилдилар. **Юбилей йилида ялпи ҳосилнинг салкам 9 минг тоннасини пўлат агрегатларда йиғиб-териб оламиз. Пахтанинг 80 процентини биринчи сортларга топширамиз. 25 октябрга қадар давлат планини, 5 ноябргача эса социалистик мажбуриятларимизни бажариб, улуғ доҳий Ленининг 100 йиллик юбилейи йилида муносиб армуғон тайёрлаймиз.** Совхозимиз ишчиларининг сўзи, шиори ва қалб даъвати ана шундай.

А. ЖОНДОРБЕКОВ,
Мирзачўл районидаги Усмон Юсупов номли 10-совхоз директори.

ИЗДОШЛАР АҲДИ

В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини янги меҳнат зафарлари билан нишонлашга қарор берган Мирзачўл районидаги Ленин номли совхоз коллективининг ватанпарварлик чақириғи Сурхондарё қишлоқ меҳнатчилари ўртасида қизғин қўллаб-қувватланди. Улар ўтган йилга якун ясаб, янги юқори марраларни белгиламоқдалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун резервларни қидириб топмоқдалар, Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш учун ва беш йиллигини муваффақиятли тугаллаш учун мажбуриятлар олмоқдалар.

— Доҳийнинг номи билан аталувчи бизнинг хўжалигимиз, — деди ЎзТАГ мухбирига Ленин номли совхоз директори Хайрулла Қиёмов, — областдаги энг ёш хўжаликлардан биридир. Совхозимиз бундан икки йил муқаддам Шеробод даштининг қўриқ ерида ташкил этилди. Биз биринчи йилнинг ўзидаёқ пахта экилган минг гектар ернинг ҳар гектаридан 14,3 центнер пахта олиб, топшириқни плондагидан 1,5 баравар ортиғи билан бажардик.

Мирзачўл чўлқуварларининг чақиригига жавобан совхозимиз пахтакорлари юбилей йилида энин майдонини яна бир ярим минг гектар кенгайтириб, ҳосил унумдорлигини 20 центнергача етказишга қарор қилдилар.

Ҳозир совхозимизда ерларни шудгорлаш тугатилянти, сугориш тармоқлари тозаланмоқда, маҳаллий ўғитлар тўпланмоқда.

Баҳорги экиш мавсумига ўз вақтида тайёргарлик кўриш — чўлқуварлар Ленин юбилейи шарафига олган юксак мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилиши гаровидир.

ҒАРБИЙ СИБИРЬ НЕФТИ

Ғарбий Сибирда мамлакатимизнинг йирик нефть казиб чиқариш базаси вужудга келтирилмоқда. Бу ерда КПСС XXIII съездининг Директивларида белгиланган топшириқлар муваффақиятли бажарилмоқда. Бу йил Ғарбий Сибирь конларида камида 30 миллион тонна нефть казиб чиқарилади. 1975 йилда казиб чиқариладиган нефть миқдори кўпайиб, 100-120 миллион тоннага, 1980 йилда эса 230-260 миллион тоннага етказилади.

Бу рақамлар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совет қабул қилган қарорда келтирилган. Бу қарорда Ғарбий Сибирдаги нефть казиб чиқариш саноатини жадал ривожлантиришни таъминлайдиган чоралар белгиланган. Бу саноат фан ва техниканинг энг янги ютуқлари негизида ривожланади. Нефть конларини ишга солиш ва қудуқларни пармалашнинг замонавий энг самарали методларини қўлланиш, барча ишлаб чиқариш процессларини кенг кўламда автоматлаштириш ва механизациялаш мўлжалланди. Конларни комплекс ўзлаштириш, нефть казиб чиқариладиган жойларда нефть чиқаришга тўла тайёргарлик кўришни таъминлаш, нефтга қўшилиб чиқадиган газни тўплаб, ундан фойдаланиш кўзда тутилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бир қанча министрликларга 1970—1975 йилларда Ғарбий Сибирда нефть казиб чиқариш саноатини ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирларни олти ой ичида ишлаб чиқиш ва СССР Госплани ҳамда СССР Госснаби билан келишиб, бу тадбирларни тасдиқлашни топширдилар.

Айни вақтда Тюмень ва Томск областларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳал этилади, озиқ-овқат маҳсулотларини ўз жойида етиштириб, Ғарбий Сибирдаги нефть саноати ривожланиб бораётган районларнинг аҳолисини ана шу маҳсулотлар билан тўла таъминлаш учун шарт-шароит вужудга келтирилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилинган ҳужжатда Ғарбий Сибирда мамлакатнинг нефть базасини янада ривожлантириш халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб, партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг эътиборини шунга жалб этдилар ҳамда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, ўлка ва область партия комитетларига, хўжалик ташкилотларига ана шу муҳим ишни алоҳида назорат қилиб туришни топширдилар.

(ТАСС).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ЛЕКЦИЯ, СУҲБАТЛАР

Юбилей йили бошланиши муносабати билан Тахтакўпир район пропагандистлари КПСС Марказий Комитети Тезисларини меҳнаткашлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини авж олдириш юзасидан иқинда кенгашиб олдилар.

Семинарда Тахтакўпир район партия комитетининг секретари Н. Қарамонова, район комсомол комитетининг биринчи секретари А. Матинбэов ўртоқлар район пропагандистлари олдида турган масъулиятли вазифалар ҳақида гапирдилар.

ПАРТИЯ УҚУВИ — ПЛЕНУМ МУҲОКАМАСИДА

Шаҳрисабз район партия комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда район партия комитетининг биринчи секретари С. Усмоновнинг «Коммунистларга марксча-ленинча таълимот беришнинг аҳволи ва уни яхшилашда район партия ташкилотининг вазифалари» юзасидан қилган доклади муҳокама қилинди.

Музокараларда Калинин номли колхоз, консерва заводи, юк ташиш автомобиль базаси партия ташкилотларининг секретарлари Ҳ. Тўраев, М. Ҳасанов Л. Бойкова, Энгельс номли колхоз партия ташкилоти ҳузуридаги марксизм-ленинизм асослари мактабининг пропагандисти Ю. Умаров, қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумининг директори Т. Азимов, район комсомол комитетининг секретари О. Тўраев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум қарорида Тезисларни сиёсий ўқувнинг барча шохобчаларида ўқуа плани асосида қўшимча лекция ва назарий конференциялар ўтказиш йўли билан чуқур ўрганиб чиқиш тавсия қилинди.

СЕКРЕТАРЛАР ИИҒИЛИШИ

Нукус шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинарини ўтказди. Унда саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, маданий-оқартув муассасалари бошланғич партия ташкилотлари секретарлари иштирок этдилар.

Шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. М. Бродский «КПСС Марказий Комитетининг Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисидаги қарори ва шаҳар партия ташкилотларининг вазифалари», шаҳар партия комитетининг инструктори К. В. Строкин «Партия сиёсий маорифининг дастлабки машғулотлари якунлари ва бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари», райкомнинг сектор мудири Л. И. Федорова «Партия ташкилотларида ички хўжалиқ ишларини олиб бориш тартиби» ҳақида доклад қилдилар.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Ўтган йили Марказий Фарғонада юзлаб гектар янги ер ўзлаштирилди. Янги ерга сув келтиришда «Андижанводстрой» трестининг биринчи кўчма механизациялашган колоннаси коллективи унумли меҳнат қилишди. Бу колонна ишчилари яқинда матбуотда эълон қилинган Бекобод металлургларининг доҳий юбилейи олдидан бошлаган ташаббусига қўшилиб, тўрт ойлик планни 22 апрелда, пудрат ишлари йиллик топшириғини 5 декабргача бажаришга аҳд қилдилар. Суратда (чапда) қурувчилар иш устида. Ўнгдаги суратда эса Оҳангарон цемент заводининг ишчиси Римма Забелкинани кўриб турибсиз. Пешқадам ишчи ҳам юбилей вахтасида кундалик топшириқларини мунтазам ошириб бажармоқда.

И. ДУШКИН, Е. КОРНИЕНКО (ЎзТАГ) ва И. ГЛАУБЕРЗОН фотолари.



ИШЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — ПАРТИЯНИНГ АСОСИ

Партия йиғилиши партия иши учун коммунистлар масъулиятини, уларнинг ижодий активлигини, мустақиллигини оширишнинг муҳим формаларидан, партия аъзолари ва кандидатларини ижтимоий-сиёсий фаолиятга жалб этиш воситаларидан бири ҳисобланади. Қўқондаги ип йигирув-пайпоқ тўқув комбинати партия комитети (секретари ўртоқ А. Мискина) ана шуларни ҳисобга олиб, ҳамишда партия йиғилишлари савиясини яхшилашга, уларнинг коллектив раҳбарлик органи, коммунистларни тарбиялаш мактаби сифатидаги ролини янада оширишга ҳаракат қилмоқда.

Бу ерда партия йиғилишлари мунтазам ўтказилиб, уларнинг кун тартибига актуал масалалар киритилади. Партия комитети йиғилишга икки-уч ҳафта илгари тайёрланишни қатъий тартиб қилиб қўйди. Масалаларни тайёрлашга партия аъзолари ва партиясизларнинг кенг активи жалб этилади.

Масалан, йиғилишлардан бирида коммунистлар «Меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ҳамда коллективни тарбиялашда мастернинг роли ва масъулиятини ошириш тўғрисида»ги масалани муҳокама қилдилар. Бунга қадар комиссия бевосита иш жойларида бўлиб, мастерлар ишчилар ўртасида тарбиявий ишларни қай тариқа олиб бораётганликлари, мастерлар меҳнати қандай ташкил этилганлиги, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки билан қизиқдилар. Партия йиғилишига тайёргарлик кўриш мастерлар ишини анча яхшилаш имконини берди. Йиғилишда коммунистлар мастерларнинг ҳисоботини тинглашди. Масалани муҳокама қилишда оддий коммунистлар ва цех бошлиқлари актив қатнашдилар. Партия йиғилишида тарбиявий ишда эришилган муваффақиятлар билан бирга, айрим мастерлар ишчилар тарбиясига яхши эътибор бермаётгани, меҳнат интизомини бузувчиларга қарши суст курашаётгани, техника савиясини оширмаётгани кўрсатиб ўтилди.

«В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда коммунистнинг бурчи», «Коллективнинг ҳар бир аъзосини топширилган ишга нисбатан юксак масъулият руҳида тарбиялашда цех партия ташкилотлари ва партия группалари олдида турган вазифалар тўғрисида»ги масалалар ҳам партия йиғилишларида зўр ишчанлик вазиятида муҳокама қилинди ва бу ўзининг ижобий натижасини берди.

Ҳар бир партия йиғилиши бошланиши олдидан секретарь ёки партия комитети аъзоларидан бири партия ташкилоти составида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек олдинги партия йиғилишида қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот беради. Партия комитети очиқ партия йиғилишларини тез-тез ўтказиб туришни тажриба қилиб кўрмоқда. Бу партия ташкилотининг партиясиз омма билан алоқасини мустаҳкамлаш имконини берётир. Қабул қилинган қарорлар конкрет бўлиб, уларда қарорни бажариш юзасидан ким нима қилиши кераклиги кўрсатилади. Жонли ташкилотчилик иши, белгиланган тадбирларни амалга оширишга иштиёқ ҳар бир партия йиғилиши қарорининг бажарилишини таъминламоқда.

Ўртоқ В. Гончаренко секретарлик қилаётган Қўқон тўқимачилик машинасозлиги заводи партия ташкилотида ҳам партия йиғилишлари жонли, қизиқарли ўтади. Ҳар бир йиғилиш коммунистлар учун улкан бир воқеа. Бу йиғилишлар муҳокамасига партия ташкилоти, корхона коллективи ҳаётининг энг муҳим масалалари, ҳар бир кишини тўлқинлантирадиган ва ҳеч ким бефарқ қарайолмайдиган масалалар қўйилмоқда. Йиғилишларни тайёрлашга коммунистлар, мутахассислар ва новаторларнинг кенг активи жалб этилаётир. Мазмунли доклад ва ахборотлар ишчанлик вазиятини яратмоқда, коммунистларни самимий, принципиал ва жиддий муҳокамага тортмоқда. Партия бюроси йиғилишда коммунистлар айтган бирорта танқидий фикр, бирорта фойдали таклиф эсе кетмаслигини, амалий ишда ҳисобга олинишини қаттиқ кузатиб боради.

Партия комитетлари ва партия бюролари цех партия ташкилотлари ҳамда партия группаларида йиғилишларни ишчанлик ва юқори савияда ўтказишга эътиборни тобора кучайтирмоқдалар. Бу эса коммунистлар активлиги аз ташаббускорлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Қўқон шаҳридаги локомотив депоси, тикувчилик ва пойафзал фабрикалари ва бошқа қатор корхоналардаги цех партия ташкилотлари йиғилишларни тайёрлаш ва ўтказишда катта тажриба тўпладилар.

Пойафзал фабрикаси партия ташкилоти ҳисобидаги коммунистлар 5 та цех партия ташкилоти ва 7 та партия группаси атрофига уюшган. Фабрика партия ташкилоти уларга мунтазам равишда раҳбарлик қила бориб, сиёсий ва хўжалик вазифаларининг муваффақиятли ҳал этилишида коммунистларнинг актив иштирок этишларига, топширилган иш учун уларнинг масъулиятини ҳар томонлама оширишга эришмоқда. Цех партия ташкилотлари ва партия группалари йиғилишларида ишлаб чиқаришга оид масалалар билан бир қаторда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган масалалар ҳам муҳокама қилиниб, ютуқлар мустаҳкамланмоқда, ишдаги камчиликларга барҳам бериш йўллари белгиланмоқда. Масалан, 3-цех партия ташкилоти (секретари ўртоқ К. Жалолов) «Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар билан ишлашда коммунистлар ролини ва масъулиятини янада ошириш тўғрисида»ги масалани муҳокама қилиб, цехда меҳнат интизомининг ҳар томонлама мустаҳкамланишига эришди. Кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилди.

Локомотив депосидаги ўртоқ С. Школов партия ташкилотнинг секретари бўлган эксплуатация цехида ўтказилган партия йиғилишида «Коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик роли ҳақида»ги масаланинг муҳокама қилиниши ҳам коммунистларни ва қолаверса цехнинг барча коллективини улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни ва беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашга сафарбар этиш белгиси остида ўтди.

Қўқон шаҳар партия комитетининг бюро мажлисида, партия ташкилотлари секретарлари, партия группаларининг ташкилотчилари билан ўтказилган семинар ва кенгашларда партия йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, таъсирчанлигини ошириш йўллари ҳақидаги масалалар тез-тез муҳокама қилинмоқда. Шаҳар партия комитетининг кейинги йиғилишларида «Пойафзал фабрикаси партия ташкилотининг цех партия ташкилоти ва партия группаларига раҳбарлиги» ва «Охунбобоев номли тикувчилик фирмасида партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш практикаси тўғрисида»ги масалалар муҳокама қилиниб, мазкур партия ташкилотлари фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб берилди.

Кейинги ойларда шаҳардаги барча бошланғич партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қарори ишлаб чиқилди. Коммунистлар мазкур қарорни ишлаб чиқиш вақтида ижрочи органлар фаолиятига танқидий кўз билан қараб, ишдаги камчиликларни принципиал очиб ташладилар ва унинг келгусида такрорланмаслиги учун ўз таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар.

Қўқон шаҳар партия комитети фаолиятида партия XXIII съезди кўрсатмаларини ва КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қарорини амалга ошира бориб, бошланғич партия ташкилотларининг олий органи бўлган партия йиғилишларининг тарбиявий аҳамиятини янада оширишга эътиборни кучайтирмоқда.

Қ. ШЮДМОНОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

МАШИНА ИМТИҲОН ОЛАДИ

М. Торез номли Москва Давлат чет тиллар педагогика институти ходимлари томонидан яратилган «Ўқитиш машинаси» софдил ўқитувчи ҳамда талабчан имтиҳон олувчи вазифасини ўтай олади.

Машина студентга қачат аниқ ахборотгина бериб қолмай, айни вақтда ҳаракатнинг изчиллик билан боришини белгилаб беради.

Машина-педагог икки тилни: лотин ва инглиз тилларини «биладн». Тажриба бу қурилманинг юқори самарадорлигини тасдиқлади.

БОБИР ВА «РИСОЛАИ АРУЗ»

Қозоғистон ССР «Мактаб» нашриёти уйғур олими, филология фанлари доктори Мурод Ҳамроевнинг «Турк шеърияти назарияси очерклари» китобини босмадан чиқарди. Иловада биринчи марта Захриддин Муҳаммад Бобирнинг «Рисолаи аруз» трактати эълон қилинди.

Уйғур тадқиқотчисининг узоқ йиллик илмий изланиши натижасида шоирнинг мазкур қўлёзма асари топилди. Бу нодир топилмани ўша даврнинг классик поэзия антологияси, деб аташ мумкин. Чунки Бобир трактатда ўз шеърларидан ташқари Навоий, Хофиз, Саъдий, Жомийларнинг шеърларидан парчалар келтириб ўтган. Шуниси диққатга сазоворки, бу шеърларнинг баъзилари ҳали маълум бўлмаган, шоирнинг тўпламига кирмаган эди.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

Оқсил моддаларини синтез қилиш Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтида синтетик озиқ-овқат моддаларини яратиш устида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда бу ерда нефть бирикмаларидан синтез қилинган озуқа оқсил моддалари текширишлардан муваффақиятли ўтди. Институт таклифи билан Пятигорск кондитер фабрикасида ана шундай моддалар қўшилган конфетлар, вафли ва печеньелар ишлаб чиқарилди. Янги маҳсулот ўзининг мазалилиги ва озуқа моддаларининг сероблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ишлаб чиқарилган оқсил витаминлар концентрати (ОВК) чорвачиликда ва қушхоналарда муваффақиятли қўлланилмоқда. ОВК ҳайвонлар озуқасига қўшиб берилганда уларнинг тез семириши, сигирлар сутининг ошиши ва товуқлар тухумдорлигининг 20-25 процентга кўпайиши маълум бўлди. Бузоқка берилувчи ярим килограмм ОВК 3 литр сут ўрнини боса олади. Бундан ташқари ОВК тулкилар юнгини кўпайтиради, майин ва ялтироқ қилади.

САНОАТ СУВЛАРИ

Англия—Голландия бирлашган нефть компанияси саноат сувларини озгина нефть ёрдамида кўмир кукунларидан тозалаш усулини ишлаб чиқди. Саноат сувларида бўлган бошқа ифлосликларни ҳам шу йўл билан тозалаш мумкинлиги аниқланди. Шундай йўл билан сувлар 99,5 процентгача тозаланади. Ифлосликлардан ташкил топган конгломерат эса ёқилғи сифатида ишлатилиши мумкин. Аксинча, кўмир кукунлари ёрдамида сувни нефтдан ҳам тозалаш мумкинлиги аниқланди.

НЕФТЬ ВА ЙЎЛЛАР

Лондонда нефтдан олинувчи битум, эпонсид смоласи ва майдаланган (куйдирилгандан сўнг) бонситдан олинган модда билан йўллар ишланди. Асфальт ва бетон йўллар шу модда билан қоплангандa автомобиль ҳалокатлари икки баравар камайганлиги маълум бўлди. Тажрибалар янги қоплама модданинг ахамияти катта эканлигини исботлади.

ЭСТАФЕТА ЙЎЛДА

Ҳозир чекка қишлоқлар аҳолисига эллиқдан ортиқ кўчма кутубхона хизмат кўрсатяпти. Сурхондарё область маданият бошқармасининг Ленин юбилейи шарафига бағишланган ташаббуси билан бошланган эстафета-китобга Жарқўрғон районининг кутубхона ходимлари ана шуларни ёзиб қўйдилар.

Жарқўрғонликлар ўз ишлари ҳақида биринчи бўлиб ҳисоб бердилар. Сўнгра китоб областнинг қолган хамма районларида бўлади. Бу китобда оммавий кутубхоналар ходимлари Ленининг ғоявий меросини пропаганда қилишда эришган муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қиладилар.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

МИННАТДОРМАН

Узоқ йиллар оғир дард тортдим. Шифохоналар, поликлиникаларга қатнаб даволандим. Натижа кутганча бўлмади. Ниҳоят, Тошкент Давлат медицина институти клиникасига ётдим. Профессор невропатолог Н. Мажидов бошлиқ шифокорлар дардимга даво топиб, оилам ва хизматимга қайтарди. Халқ соғлиғининг посбонлари — шифокорлардан миннатдорман.

Т. АҲМЕДОВ,
милиция ходими.

РАҲМАТ, ЯХШИЛАР

Умримни темирйўлчилик касбига бахш этдим. Халқ хизмати йўлида ғилдирак устида мамлакатимиз территориясини кўп марта кезиб чиқдим. Ёшим улғайгач, пенсияга узатишди. Яхши дам оляпман. Ҳамкасб дўстларим, Тошкент темир йўли бошқармаси маъмуриятн, партия ва касаба союз ташкилотлари вакиллари доим ҳолимдан хабар олиб турибди, байрамларда табрикномалар йўллаяпти. Яқинда менга ҳамма қулайликларга эга бўлган кўпхонали квартира беришди. Раҳмат, яхшилар!

Ф. БАҲРОМОВ,
ишчи-пенсионер.

ҚЎЛИМ КЎКСИМДА

Ҳушимга келганимда Оҳангарон шаҳридаги 2-бирлашган касалхонасида ётганимни айтишди. Врачлар ҳаётимни сақлаб қолиш учун курашди, кечалари мижжа қоқмай бошимда парвона бўлишди. Ҳаётга қайтдим, ҳозир ишлаяпман. Оҳангаронлик шифокорларга қўлимни кўксимга қўйиб таъзим қиламан, халқ соғлиғи йўлидаги ишларида янги муваффақиятлар тилайман.

Т. ҒАНИЕВ,
ишчи.

УМУМЕВРОПА КЕНГАШИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАГА ДОИР

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

13 январда СССР Ташқи ишлар министрлигида матбуот конференцияси бўлди. СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири Л. М. Замятин матбуот конференциясида баёнот ўқиб берди. Баёнотда бундай дейилади: чинакам ва мустаҳкам хавфсизлик бўлишини таъминлаш — Европа давлатлари ва халқларининг ҳаётида, шубҳасиз, асосий проблемадир. Варшава Шартномасида қатнашувчи социалистик мамлакатлар Европадаги барча давлатларга мурожаат қилиб, Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилмоқ учун бирталикда кенгаш ўтказишни таклиф этган эдилар, деб уқтириб ўтилади баёнотда. Бу мурожаат ҳақида хамма жойда баён қилинган кўп фикрлар Умумевропа кенгаши жаҳондаги ана шу районининг иситқоли учун муҳим роль ўйнай олишини, кенгашни чақириш пайти келганлигини ва бу кенгаш уэрсиз сира ҳам пайсалга солинмай ўтказилиши лозим эканлигини кўрсатади.

Ҳозир икки томонлама маслаҳатлашиш ва кўп томонлама учрашувлар жараёнида Умумевропа кенгашига тайёргарлиннг конкрет масалалари — Кенгашда кимларнинг қатнашуви, кенгашни қачон ва қаерда чақириш, унинг кун тартиби ва кенгаш ишларининг эҳтимол тутилган натижалари қараб чиқилмоқда.

Будапешт Мурожаатини имзолаган социалистик мамлакатлар ҳам Умумевропа кенгашини чақиришга тааллуқли ўз мулоҳазаларини конкрет баён қилишни фойдали бир иш деб топдилар. Маълумки, бу мамлакатлар Ташқи ишлар министрларининг 1969 йил октябрь ойи охирида Прагада бўлиб ўтган учрашувида икки масалани — «Европа хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида ва Европа давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш ҳақида» ва «ҳуқуқий жиҳатдан тенг асосларда бўлган ҳамда Европа давлатлари ўртасидаги сиёсий ҳамкорлиннг ривожлантиришга қаратилган савдо-сотиқ, иқтисодий ва илмий-техника алоқаларини кенгайтириш тўғрисида»ги масалаларни Умумевропа кенгашининг кун тартибига киритиш таклиф этилди.

Ана шу икки масаланинг танлаб олинганлиги, деб таъкидланади баёнотда, тасодифий бир ҳол эмас. Турли ҳукуматлар айтган фикрларни эътиборга олиш асосида ана шу масалалар илгари сурилди. Европадаги кўп мамлакатлар социалистик давлатларнинг янги ташаббусини маъқулладилар.

Шу билан бирга, деймиз баёнотда, ғарбдаги баъзи мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳатто кенгашни чақириш ғоясининг ўзига ҳам бир хил даражада қўшилмаганликларини кўрмай қолиш мумкин эмас. Баъзи жойларда кескинликни юмшатиш ишига халақит бериш, пухта тайёргарлик тўғрисидаги гапларни пеш қилиб, кенгашнинг чақирилишини номуайян вақтгача кечиктириш, кенгаш чақирилган тақдирда эса, кенгаш ҳал этолмайдиган оғир масалаларни ўзга тиқиштириш, яъни кенгашни олдиндан муваффақиятсизликка учратиш ниятн борлиги яқол кўриниб турибди.

Буларнинг ҳаммасига шундай жавоб бериш мумкин: Прагада социалистик мамлакатлар томонидан илгари сурилган таклифлар Европа хавфсизлигини таъминлашдан иборат асосий проблемани муҳокама қилмоқ учун етарли даражада кенг таклифлардир. Биз вақтда улар ана шу мақсадни амалга оширишга ёрдам берадиган муайян қарорларни қабул қилмоқ учун етарли даражада конкрет таклифлардир.

Шу муносабат билан, дейилади баёнотда, НАТО Кенгаши Брюссель сессиясининг Умумевропа кенгаши масаласида тутган позицияси тўғрисида бир-икки оғиз гапириб ўтиш керак. Сессиянинг натижалари шуни исбот қиладики, баъзи бировлар бўлажак кенгашнинг ишини икки ҳарбий гуруҳ, яъни НАТО билан Варшава Шартномаси ўртасидаги музокаралар изига солиб юборишни истайдилар. Бошқа бир қанча мамлакатларнинг ҳукуматлари каби совет ҳукумати ҳам ўз фикрича бу кенгаш Умумевропа характерига эга бўлиши ва Европадаги барча давлатларни қизиқтираётган масалалар кенгашда муҳокама қилиниши лозим эканлигини бир неча бор таъкидлади. Биз Европадаги бетараф давлатлар ҳам Умумевропа кенгашига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда муҳим роль ўйнашлари лозим, деган фикрга асосланамиз.

Социалистик мамлакатларнинг Европа хавфсизлиги масалаларида тутган йўли, дейилади баёнотда, Европадаги социалистик давлатлар партия-давлат раҳбарларининг 1969 йил декабрь ойида Москвада ўтказилган учрашувида аниқ равшан баён қилинди. Бизнинг мамлакатимиз Европа қитъасида кескинлик ўрнига яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш учун тинч-тотув яшаш турли ижтимоий тузумдаги Европа давлатларининг ўзаро муносабатларида универсал норма бўлиб қолиши учун халқларнинг хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги интилиши конкрет ишларда. Европа хавфсизлигининг энг муҳим проблемаларини ҳал этишда ўз ифодасини топиши учун бошқа социалистик давлатлар билан биргаликда бундан буён ҳам зўр бериб кураш олиб бораверади.

(ТАСС).

БЕКОБОД МЕТАЛЛУРГЛАРИ ВА МИРЗАЧЎЛДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ СОВХОЗ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ТАШАББУСИГА ҚУШИЛИБ

ИККИ ИШЧИНИНГ ЎЙЛАРИ

ҚОБИЛЖОН МЎМИНОВ ВА УСМОНЖОН МАМАТАЛИЕВ СУҲБАТИ

Яна бирор соатдан кейин Охунбобоев номли театрда томоша бошланади. Ўнгача театр олдидаги ороминҳда айланиб туриш мумкин. Шаҳар ҳуснига жило берадиган муаззам бинолар шу атрафда қад кўтарган. Бобир номли область кутубхонасининг ҳашаматли биноси, нарирокда чойлари меҳмонхона, унинг ёнида «Ўртоқ» кинотеатри, китоблар уйи, орқада Озодлик майдони. рўпарада Андижон область партия комитетининг маъмурий биноси савлат тўкиб турибди.

Театрга келганлар орасида Андижон машинасозлик заводининг таниқли моделчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобилжон Мўминов ва Андижон мебель фабрикасининг Ленин орденли ишчиси Усмонжон Маматалиев ҳам бор. Икки касб эгаси юрагидаги гапларни ўртага ташлади:

МУМИНОВ: — Байрам, тўй-томоша! Бирор маросим бўладиган бўлса, нималадир хаяжонланасан. Босиб ўтган йўлингга назар ташлайсан, Уз-ўзингга ҳисоб берасан. Юрак тинчимайди.

МАМАТАЛИЕВ: — Халқимизнинг удуми шунақа: тўйга тўёнасиз боришини эп кўрмайди. Ҳозирги кунда одамлар пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш, В. И. Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш тўғрисида ўйлаяпти. Ҳар қалбда қатқат орзу, эзгу ният туғёни!

МУМИНОВ: — Одамларнинг онги ҳам, удумимиз ҳам жуда илгарилаб кетди! Бекобод металлургари айтганидек: «Нималар билан фахрланса, қандай марраларга эришган бўлсак, буларнинг ҳаммаси Владимир Ильич Ленин номи билан чамбарчас боғлангандир». Ҳақ гап бу. Дарвоқе, бекободликларнинг чақириғи сизга маъқулми?

МАМАТАЛИЕВ: — Маъқул бўлганда қандоқ. Жуда тўғри ўйлашибди, қойил! Кеча фабрикамизда умумий йиғилиш бўлди. Унда Бекобод металлургия заводи коллективининг Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш ва беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан белгиланган тадбирлари муҳокама қилинди. Биз ҳам бу ташаббусга қўшилдик ва 1970 йил режаларини туздик: Фабрикамиз бўйича 1970 йил планини 25 декабргача бажарамиз, пландан ташқари 40 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Меҳнат унумдорлигини планга нисбатан, 1,5 процент оширамиз. 60 минг сўмлик хом ашё тежаймиз. Тежалган хом ашёдан 500 та шифонер тайёрлаймиз. Бундан ташқари, чиқиндилардан 20 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдик.

Тўрт ойлик планни муддатидан илгари, доҳийимиз Ленин юбилейи кунигача бажарамиз. Бу давр ичида пландан ташқари 2000 та шифонер, 150 та ёзув столи, 80 та тумбочка ишлаб чиқарамиз.

Биз бу йил ишлаб чиқарилаётган мебелнинг 25 процентига алоҳида сайқал бермоқчимиз. Бу, Ленин юбилейига тайёрлаган совғамиз бўлади. Ялтиратилган ҳар бир мебелдан 24 сўмдан фойда кўрамиз. Ҳозир, ускуналарни ана шунга мослаштирамиз.

МУМИНОВ: — Илгари ҳам шундай мебель ишлаб чиқарилганми?

МАМАТАЛИЕВ: — Йўқ, биринчи марта шу қутлуг ишга қўл уряпмиз.

МУМИНОВ: — Усмонжон, шахсан ўзингиз Ленин юбилейига қандай совға тайёрламоқчисиз?

МАМАТАЛИЕВ: — Кеча ўғлим Нўъмонжон билан шу хусусда гаплашган эдик. (Ўғлим ҳам шу фабрикада ишлайди, мастер). Ленин ўтирган стулга разм солганмисиз? Уч оёқли, ажойиб стул! Биз доҳиймиз ўтирган стулни тикламоқчимиз. Фикримизни фабрика директори Қодиржон Акрамовга айтган эдик, рози бўлди. Янгиликка ўч одам у. Йигирма йилдан бери бирга ишлаймиз. Олдин мен ишлаган тайёрлов цехининг бошлиғи эди. Кейин инженер бўлди Ҳозир директор. Ленин юбилейигача 500 та ана шундай стул ишлаб чиқаришга келишиб қўйдик. Ҳозир мен кўпроқ шу ҳақда ўйлаяпман. Ленин ўтирган стулга ўхшата оламизми, йўқми?!

Фабрика остонасига қадам қўйганимга 20 йилдан ошди. Отам ҳам шу ерда аравасоз бўлиб ишлаган эди. Бир ойда аранг 30-40 та арава тайёрлардик. Аравага эҳтиёж колмагач, бу цех тугатилди. Унинг ўрнига жовон ва бошқа цехлар очилди. Мен токарлик дастгоҳига ўтдим. Ҳозир тайёрлов цехида токарман. Фабрикамнинг ҳамма маҳсулоти бизнинг қўлимиздан ўтади. Бултур ёғочни думалоқ қилиб текислайдиган дастгоҳ олдик. Янги дастгоҳнинг хосияти кўп. У билан ҳар куни 100 та шифонер штангаси тайёрлаяпман. Илгари бу ишни қўлда бажарардик. Тўрт киши кун бўйи аранг 50 та штанга тайёрлар эдик. Янги йилнинг биринчи ўн кунлигида 400 тадан зиёд штанга ҳозирладим.

Фабрикамизда иккинчи касбни эгаллашга қизиқиш катта. Мен ўзим тўртта операцияни бажараман. Қобилжон Деҳқонов, Абдувоҳид Усмонов, каби шогирдларим 2-3 операцияни бажарадиган бўлиб қолдилар. Бундан жуда қувонаман.

МУМИНОВ: — 1969 йил мен учун ҳам ўсиш, улғайиш йили бўлди. Йигирма етти йил машинасозлик заводининг қуюв цехида моделчи бўлиб ишладим. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини шу цехда ишлаган маҳалимда олганман. Икки марта СССР Олий Советининг депутатлигига сайлашди. Партия XXIII съездида иштирок этдим.

Оддий ишчи учун бундан ҳам катта бахт, бундан ҳам чексиз шодлик бўлиши мумкинми? Буларнинг ҳаммаси бахтли замонамиз шарофатидан. Ленин инсоннинг қадрини, обрўсини оширди. Биз ҳаммамиз лениначасига яшасак ва ишласак деймиз.

Бултур мени ёғоч ишлаш цехига бошлиқ этиб тайинлашди. Ёғочдан тайёрланадиган барча эҳтиёт қисмлар бизнинг қўлимиздан ўтади. Бундан ташқари, чет элларга экспорт қилинадиган универсал юклагичлар, дизеллар, насослар учун махсус яшиклар тайёрлаймиз ва машиналарни ўша яшикларга жойлаб 23 мамлакатга жўнатамиз.

Бекобод шаҳридаги металлургия заводи коллективининг чақириғи цехимиз ишчиларининг қалбидан чуқур жой олди. Цехимиз азаматлари янги йилнинг ўтган кунлари мобайнида экспортга юборилиадиган 20 та «С-245» маркали насос, 55 та «ПУ.0,5» маркали универсал юклагич, 35 та дизелга яшик тайёрладилар ва юзлаб универсал юклагичга ёғочдан эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқардилар. Биз тўрт ойлик планни В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигигача бажарамиз. Ҳозирги ҳаракатимиз шунга яраша бўляпти.

МАМАТАЛИЕВ: — Ленининг юбилейига оз вақт қолди. Бу кунларнинг ҳар дақиқаси нихоятда қимматли.

МУМИНОВ: — Мен ўз дўстларимни шу оз муддатни энг сермазмун кунга айлантириш учун курашга чақираман

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Нурота районидаги «2-Қўшработ» совхозининг чўпонлари чорва қишловини соз ўтказмоқдалар. Айниқса Мамадиёр Каримов ва Қувват Ботиров ўртоқлар бошчилик қилаётган отарларда 500 дан ортиқ совлиқ қишдан соғлом ва семиз олиб чиқилмоқда. Суратда: яйлов баҳодирлари қўйларни яйратиб боқишмоқда.

А. Тўраев фотоси.

КПСС МК ТЕЗИСЛАРИ — ОММАГА!

КЕНГ ПРОПАГАНДА ҚИЛМОҚДАЛАР

Сирдарё области меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб эълон қилган Тезисларини зўр эҳтирос билан атрофлича ўрганмоқдалар. Снёсий докладчилар, ахборотчилар, агитаторлар ва пропагандистлар Тезисларни пропаганда қилишни кундан-кунга ғайж олдирмоқдалар.

Областнинг ҳамма районларида Тезисларни ўрганишга бағишланган семинарлар бўлиб ўтди. Область партия комитети қошида обком ходимлари, область «Билим» жамияти аъзолари, Ғафур Ғулом номидаги Сирдарё давлат педагогика институти ўқитувчиларидан иборат лектор ва пропагандистлар группаси ташкил этилди. Мазкур группа аъзолари бу муҳим ҳужжатни меҳнаткашлар оммаси ўртасида пропаганда қилиш мақсадида районларга жўнаб кетдилар.

Шунингдек, область партия комитети бюроси қарори билан штатсиз лекторлар, снёсий докладчилар ва ахборотчилар ҳам доҳий В. И. Ленининг сермазмун ҳаёти ва жўшқин революцион фаолияти ҳақида лекциялар ўқиш учун хўжаликларга жўнаб кетдилар.

ЧЎПОНЛАР ҲУЗУРИДА

Фориш районида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб КПСС Марказий Комитети эълон қилган Тезисларни зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. Лекторлар, снёсий докладчилар ва ахборотчилар яйлов баҳодирлари — чўпонлар ҳузурига бориб, улар билан мазмунли ва мароқли лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Т. ЖАМОЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СЕМИНАР-КЕНГАШ

Оржоникидзе район партия комитети бюроси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига» КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўрганиш ва пропаганда қилиш тўғрисида»ги қарорини муҳокама қилди.

Райком бюроси КПСС Марказий Комитети Тезисларини колхоз ва совхозларда, ташкилот ва муассасаларда, шунингдек, аҳоли ўртасида чуқур ўрганишни ҳамда тушунтиришни авж олдириб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди ва кенг тадбирлар ишлаб чиқди.

Шу муносабат билан райком район агитатор, пропагандист ва снёсий ахборотчиларнинг семинар-кенгашини ўтказди. Семинар-кенгашда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг КПСС тарихи кафедраси доценти Ғ. Тўраев КПСС Марказий Комитети Тезислари тўғрисида доклад қилди.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

ҲАММА РЎЙХАТДАН ЎТСИН!

АҲОЛИ РЎЙХАТИ 1970

КОНСУЛЬТАЦИЯ

15 январда Бутуниттифоқ аҳолисини рўйхатга олиш бошланади. Мамлакатимиз аҳолиси 14 январдан 15 январга ўтар кечаси соат 12 даги ҳолатга кўра рўйхатга олинади.

Шу кунгача туғилган эмизикли болалар ҳам рўйхатга олинади. Баъзи бир кишилар рўйхатга олиш кечаси ўтказилар экан деб ўйлашлари мумкин. Ҳақиқатда эса бундай бўлмайди. Рўйхатчи ходимлар аҳоли рўйхатини саккиз кун мобайнида: 15 январь эрталаб соат 8 дан бошлаб уни 22 январда тамомлашади.

Аҳоли рўйхатини муваффақиятли ўтказиш аввало уни ўтказувчи ходимларнинг тайёргарлик даражасига, рўйхатга олиш ишларнинг аниқ ва тўғри ўтказилиши эса рўйхат варақаларида кўрсатилган саволларга аҳоли томонидан берилган жавоблар тўғри киритилишига боғлиқдир. Бинобарин, ҳар бир граждан ўзининг қаерда ва қачон рўйхатдан ўтиши лозимлигини билиши, рўйхат варақасида кўрсатилган ҳамма саволларни тушуниб олиб, уларга аниқ жавоблар бермоги керак. Шуни назарда тутиш керакки, рўйхатни ўтказиш вақтида бирон-бир ҳужжатлар тақдим этилиши талаб қилинмайди ва қайтарилган жавобларнинг ҳаммаси суриштириб чиқилган кишининг сўзларигагина қараб ёзилади.

Ялпи равишда ўтказиладиган рўйхат варақасига 11 та савол, танлаб ўтказиладиган рўйхат варақасига эса қўшимча яна 7 савол киритилган. Шу саволларнинг ҳар бирига аниқ, мукаммал жавоб бериш даркор. Булар қанақа саволлар? Уларнинг аҳамияти нимадан иборат? Уларга қандай жавоб бериш керак?

Биринчи савол — оила бошлиғига муносабат масаласидир. Бу саволнинг аҳолини аниқ ҳисобга олиб чиқиш учун тутган аҳамияти жуда катта. Биз фақат ҳар бир оилани суриштириб чиқиш билангина оила аъзоларидан бирор киши тушириб қолдирилмаганлигига амин бўлаоламиз. Рўйхат ўтказиш тартиби оилаларнинг сони ва аҳолининг айрим группалари ва миллатлар юзасидан уларнинг таркиби тўғрисида маълумотлар олишга ёрдам беради. Бу эса аҳоли сонининг ўсиши масалаларини ўрганиш вақтида айниқса зарурдир. Белгиланган тартибга кўра рўйхат варақасига «биринчи ўринда оила бошлиғи, кейин эса оиланинг бошқа қолган ҳамма аъзолари унга қариндошлик муносабатлари кўрсатилиб ёзилади.

Иккинчи ва учинчи саволлар муваққат ҳозир бўлмаганлар ва муваққат истиқомат қилувчилар тўғрисидаги саволлар бўлиб, аҳолини аниқ ҳисоблаб чиқиш учун ва ҳозирги вақтда яшаб турган ва доимий яшовчи аҳоли сони тўғрисидаги маълумотларни олиш учун аҳамиятга эгадир.

Рўйхат варақасида кўрсатилган тўртинчи, бешинчи ва олтинчи саволлар аҳолининг жинси, ёши ва никоҳ ҳолати тўғрисидаги саволлардир. Мазкур маълумотларга эга бўлмай туриб, аҳолининг табиий ҳаракат жараёнларини (ўлим, туғилиш, никоҳ) ўрганиб чиқиб бўлмайди.

Бундан ташқари, мазкур маълумотлар, мактаб ёшидаги болаларни ҳисоблаб чиқиш, мактабгача тарбия муассасаларининг тармоғини планлаштириш, ўқитувчилар ва тарбиячилар тайёрлаш. савдо шохобчаларини ва товарлар келтиришни планлаштириш учун, меҳнат балансини тузиш вақтида ва бошқа кўпгина ҳолларда зарур бўлади. Аҳолининг ёш ҳолатини қайд қилиш дабдурустдан қараганда оддий иш бўлиб кўринади. Аммо, аҳоли рўйхатини ўтказиш практикаси ана шу саволларга кўпинча ноаниқ жавоблар берилаётганлигини кўрсатяпти. Кўпинча аҳолининг ёш ҳолатини яхлит ҳолда кўрсатиш майллари сезилмоқда. Чунончи, йигирма уч ёшдаги кишилар ўзларини йигирма беш ёшли, ўттиз тўқиз ёшдаги кишилар қирқ ёшли қилиб кўрсатишади. Бундай яхлитлаш аҳолининг ёш жиҳатидан таркиб топиш манзарасини бузиб кўрсатади ва планлаштириш вақтида жиддий хаталарга олиб келиши мумкин.

Миллати ва она тили тўғрисидаги еттинчи ва саккизинчи саволлар барча миллат ва элатлар хўжалик, давлат ва маданий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида тенгҳуқуқли бўлган бизнинг кўпмиллатли давлатимизда жуда катта аҳамиятга эга. Миллати ва она тили суриштирилаётган киши қандай кўрсатса, шундай ёзилади, болалар ҳақидаги ёзувлар эса ота-оналарининг кўрсатмаси билан киритилади. Отаси ва онаси турли миллатларга мансуб бўлган оилаларда болаларининг миллатини қандай кўрсатишга қийналадиган бўлишса онанинг миллатини ёзиш маъқулдир.

Саккизинчи саволга жавоб берган вақтда она тилидан ташқари, суриштирилаётган шахс яхши билган тил—СССР халқларининг бошқа бир тили ҳам кўрсатилади.

Рўйхат варақасининг тўққизинчи ва ўнинчи саволларига қайтариладиган жавоблар Совет Иттифоқи аҳолисининг маълумот даражасини батафсил таърифлаб беради, шунингдек ўқув юртларининг турлари бўйича ўқувчилар сони тўғрисида маълумот беради.

Ўнинчи саволга жавоб берган вақтда ўқув юртларининг турлари бўйича олий ўқув юртларида, техникумларда ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларида, умумий таълим мактабларида ҳунар-техника билим юртларида ўқувчилар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ёки ажралмаган ҳолда ўқиётганликларидан қатъи назар ёзилади. Бу эса, ўқувчиларнинг аниқ сонини билишга имкон беришгина қолмай, шу билан бирга уларнинг таълим турлари, жинси, ёши, миллати бўйича ҳам характеристика олиш имконини беради.

Нима билан тирикчилик қилиши тўғрисидаги ўн биринчи саволга аҳоли рўйхатига бошланган вақтда корхоналарда, муассасаларда ишлаб турган кишиларнинг ҳаммаси қизиқтирган ишлари кўрсатилади. Колхозда ишловчиларнинг ҳаммаси «колхозда ишлайди» деб ёзилади, пенсионерлар ва стипендия олувчилар қайта тайёрлаш курсларида ва малака ошириш курсларида ўқувчилар мавсумий ишларга банд бўлган кишилар, шунингдек ишлаб турган жойларини ўзгартиргандиклари сабабли камида бир ой ишламаётган кишиларнинг корхоналар, муассасалардаги ишлари кўрсатилади.

Фақат қишлоқ хўжалигида банд бўлган ва уйда ишлайдиган яккаҳол деҳқонлар уларнинг оилалари ҳамда уйига иш олиб ишлайдиган касблар «ўз хўжалигида ишлайди» деб ёзилади.

Айрим шахсларга ёлланиб ишловчи кишилар (уй иши билан банд аёллар. шоферлар ва шу кабилар) «алоҳида шахсларга ишлайди» деб ёзилади. ўзларининг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги билангина шуғулланувчи колхозчиларнинг оила аъзолари «шахсий ёрдамчи қишлоқ хўжалигида ишлайди» деб ёзилади. Стипендия олувчилар ва доимий ишламайдиган пенсионерлар «пенсияда», «стипендия» деб жавоб берадилар, оила боқимида бўлган кишилар, шунингдек уй иши билан банд аёллар ўзларининг кимнинг боқимида эканликларини кўрсатишлари керак.

Ҳар бир совет гражданининг бурчи шундан иборатки, у аҳоли рўйхатини ўтказишда қатнашиши, рўйхатдан ўтиши ва қўйилган саволларнинг ҳаммасига тўғри жавоб бериши керак.

Ўн иккинчи саволга (ишлаб турган жойи тўғрисида) бериладиган жавобларга асосланиб, халқ хўжалигининг айрим тармоқларида, халқ маорифи муассасаларида, медицина муассасаларида илмий ташкилотларда ва шу каби ишларда қанча одам банд эканлиги ҳисоблаб чиқилади.

Суриштирилаётган киши ишлаб турган корхона, муассаса, ташкилот, колхознинг номи тўлиқ кўрсатилиши шу билан бирга корхона кўрсатилган вақтда ишлаб чиқариш тури кўрсатилиши керак. Ўн учинчи саволга бериладиган жавоблар аҳоли машғулотлар бўйича қандай тақсимланганлигининг характеристикасини кўрсатади.

Ўн тўртинчи саволга (1969 йилда бутун йил бўйи банд бўлмаган кишиларнинг иш даромилиги тўғрисидаги) жавоблар банд аҳолининг бир йил мобайнидаги ўртача сонини олиш ва халқ хўжалигининг мавсумий тармоқлари ва бошқа тармоқларида ишнинг довомийлигини ўрганиш имконини беради.

Рўйхат варақасининг ўн бешинчи саволига қайтариладиган жавоблар СССР аҳолисининг социал таркиби, унинг ижтимоий гуруҳларга: ишчиларга, хизматчиларга, колхозчиларга, косибларга, яккаҳол деҳқонларга, руҳонийларга бўлиниши тўғрисида маълумот бериши керак. Оила боқимида бўлган кишилар ва болалар боқимда бўлган кишиларнинг ижтимоий группасига киритилади.

Рўйхат варақасининг ўн олтинчи ўн еттинчи ва ўн саккизинчи саволлари муҳожирликни (аҳоли ҳаракатини) ўрганишга ёрдам бермоги лозим.

Аҳоли рўйхатининг маълумотлари электрон-ҳисоблаш станцияларида мукаммал программа асосида ишлаб чиқилади. Бу маълумотлар халқимиз ҳаётида рўй берган туб ўзгаришларни, совет кишисининг маданий юксалишини яққол намоён қилади, совет тузумининг буюк муваффақиятларини акс эттиради, социалистик системанинг капиталистик системага нисбатан қандай улкан афзалликларга эга эканлигини бутун дунёга яна бир бор намойиш қилиб кўрсатади.

С. РАҲИММИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ЯНГИ ПЛУГ

Ўтган куз Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозларида ерни шудгорлашда янги конструкциядаги 400 дан ортиқ плуг ишлатилди. Бу плугларни Ўзбекистон инженерлари Одессадаги «Октябрь революцияси» заводининг ходимлари билан ҳамкорликда яратган эдилар.

Бу плуг ерни икки қават қилиб яхшилаб ҳайдайди. Плугнинг юқориги тиши ерни 15 сантиметр чуқурликкача қирқиб, эгатнинг тубига ағдаради. Айни маҳалда плугнинг қуйи тишлари ер қатламини 30 сантиметр чуқурликкача қирқиб, бетига ағдаради. Шундай қилиб, ернинг ҳайдаладиган қатлами батамом ағдариладиган ҳамда бегона ўтларнинг илдизлари ва уруғлари чуқурга туширилади. Бунинг натижасида дала бегона ўтлардан холи бўлиб, озуқа моддалар тупроқда текис тақсимланади. Шундай плуг ишлаган жойда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 2-3 центнер кўтарилади.

Шу йил Ўзбекистон хўжаликлари яна 1000 та шундай плуг оладилар. (ЎзТАГ).

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

ҲАҚҚОНИЯТ КУЙЧИСИ

А. С. Грибоедов туғилганига 175 йил тўлиши муносабати билан

Россия самодержавиесини ларзага солган декабрчилар исёни шафқатсиз бостирилганда тўрт шоир: Александр — Пушкин, Грибоедов, Бестужев, Одоевский шубҳа остига олинган эди. Бу шоирларнинг тўрттаси оташин адолатпарварлиги, ҳур фикрлари билан бошқа замондошларидан ажралиб турарди.

Гвардиячи офицер оиласида туғилган Александр Грибоедов уйида ҳар томонлама билим олди ва етти ёшидан ўн ёшигача Москва университетининг Олижаноб пансионида таҳсил кўрди. У ёшлигидан музиқага, шериятга меҳр қўйди. Ёш Александр тарих ва археология соҳасида ҳам чуқур билим олди, бир қанча чет тилларини ўрганди. У Москва университетининг фалсафа, ҳуқуқшунослик, тилшунослик, физика-математика факультетларида таълим олди.

Шоир талабалик чоғларидаёқ А. В. Муравьев, А. И. Якубович каби декабрчилар билан дўстлашган эди. У 1817 йилда Ташқи ишлар коллегиясига хизматга киргач, А. С. Пушкин, В. К. Кюхельбекер, Н. И. Греч ва бошқалар билан танишди.

Кўп ўтмай, А. С. Пушкин сургунга, Михайловское қишлоғига, А. С. Грибоедов дипломатик хизмат билан Эронга юборилди. Грибоедов адабий фаолиятини Европа драматургларининг асарларини эркин таржима қилиш билан бошлади. У Ғарб адабиёти таъсирида «Ёш келин-куёвлар», «Студент», «Сохта бевафолик» сингари драмалар ёзди. Лекин унинг ҳар бир таржима асари саҳнага қўйилганда шов-шув кўтариб, баҳс бошланарди. А. С. Грибоедовнинг бир неча йиллар давомида, рус жамияти ҳаётини чуқур кузатишлари асосида ёзилган «Ақллилик балоси» комедияси рус реалистик адабиёти ҳамда рус тили тараққиётида янги, юқори босқич бўлди.

Александр Грибоедов крепостнойлик жамиятига, амалдорларнинг жаҳолатига бўлган кучли нафратини ўзининг шох асари «Ақллилик балоси» комедиясида ёркин намойиш қилди

Ҳукмрон доиралар манфаатини кўзловчи, «серой» танқидчилари «Ақллилик балоси» асарига таъна тошлари отиб, гўё драматург рус воқелигини бузиб кўрсатган деб даъво қилишди. Ҳатто, айрим прогрессив танқидчилар, жумладан, В. Г. Белинский ҳам дастлаб асарни ёмон қарши олишди. Лекин кейинчалик танқидчи янглишганини тушуниб, асарга юксак баҳо берди.

«Ақллилик балоси»да XIX аср боҳларидаги рус халқи ҳаётининг энг муҳим проблемалари голт чуқур талқин қилинган. А. С. Пушкин асар ҳақида бундай деб ёзган эди: «Базмдаги бекорчиларнинг сафсатаси, фисқу фужур, Репетиловнинг бемаза ҳикояси, ҳамма ёмон кўрадиган ва ҳамма ерда кутиб олинадиган Загорецкий — мана чинакам ҳаққоний даҳонинг хислатлари.

«Ақллилик балоси»» комедиясида ақлли қаҳрамон ким? Жавоб: Грибоедовнинг ўзи... Шеърлари ҳақида гапириб ўтирмайман: шеърларнинг ярми мақолларга айланиб кетади»...

Асарда икки хил жамоатчилик — реакцион ҳукмрон табақаларнинг ҳамда тараққийпарвар кишиларнинг ғоялари кескин тўқнашади. Комедиянинг бош қаҳрамони Чацкий ҳаётнинг тор қобиғига ўралашиб қолган, жаҳолат қўллари — фамусовлар, скалозублар, молчалинлар дунёсига қарши қўйилади. Лекин, ўз Ватанини, халқини чинакам севгувчи Чацкий каби қаҳрамонлар ёвуз кучлар олдида янгаланиб қолади. Бундай жамиятда ҳақиқий оқил одамлар жиннига чиқарилади. Қаҳрамоннинг фожиаси, замон фожиаси ҳам мана шунда.

Атоқли социал-демократ танқидчилар Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов, А. И. Герценлар комедиянинг тарихий аҳамиятини кўрсатиб, унга жуда юксак баҳо беришган. А. И. Герцен «Рус адабиётида янги босқич» деган мақоласида фамусовларни «кўмиш ёдимиздан чиқиб қолган ўликлар» деб «тали. И. А. Гончаровнинг «Миллион изтироб», М. Е. Салтиков-Щедриннинг «Замонавий идиллия» асарларида А. С. Грибоедовнинг қаҳрамонлари яна янгича талқинни топди.

1825 йилда декабрчилар қўзғолони кунлари А. С. Грибоедов Кавказда, ҳарбий хизматда эди. Қўзғолондан кейин Грибоедов декабрчиликда айланиб қолмоқда олинди ва Петербургга келтирилди. Лекин, Кавказ қўшинлари бош қўмондони генерал Ермоловнинг ҳамда қариндошларининг иltимослари билан шоир озод қилинди. Грибоедов 1828 йилда Эрон элчихонасида инглиз тарафдорларининг фитнаси билан ўлдирилди. Бу воқеа Ю. Тинянов нинг «Мухтор вазирнинг ўлими» романида батафсил тасвирланган.

Шоирнинг «Ақллилик балоси» комедияси ҳозиргача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. У шу кунларда ҳам ҳаётдаги салбий типларни фош қилади. Ҳозир ҳам шундай одамлар борки, уларнинг орқасидан лаҳатлаб, олдида таъзим қилишади. А. С. Пушкиннинг асар тили қақидаги ибораси тўла оқланди. В. И. Ленин ва бошқа давлат арбоблари ўз публицистик фаолиятларида Грибоедов яратган образлардан кўп фойдаланганлиги ҳам бу асарнинг ўлмаслигини кўрсатади. Шу туфайли драма ҳозиргача мамлакатимиз ҳамда чет эл театрлари саҳнасидан тушмайди. Зотан, халқ, Ватанга чуқур меҳр билан ёвузлар ҳақиқий асарларнинг ҳамда улар ижодкорларининг умри боқийдир.

М. МАҲМУДОВ.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ЛЕНИНГРАДЛИК САНЪАТКОРЛАР САҲНАМИЗДА

Мана, бир неча кундирки гўзал Нева бўйи санъаткорлари пойтахтимиз театр муҳлисларининг азиз меҳмони бўлиб туришибди. А. С. Пушкин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленинград давлат Академик драма театри саҳна усталари тошкентлик санъатсеварларга бу сафар икки спектакль олиб келишди.

— Театримиз коллективи серзавқ, маданиятли ва жуда талабчан тошкентлик томошабиларни севади, ҳурмат қилади. Шу сабабли мустаҳкам дўстона алоқа боғлаганмиз, — дейди РСФСРда хизмат кўрсатган артист, театр партия ташкилотининг секретари Алексей Александрович Ян.— Тошкентга тўртинчи бор келишимиз. Хушчақчак томошабиларни талабини назарда тутиб бу гал буюк инглиз драматурги В. Шекспирнинг «Йўқ нарсадан бир талай гавго» ва ажойиб адиб И. С. Тургеневнинг «Ноҳўр» комедияларини намойиш қиляпмиз.

Ленинградлик санъаткорлар намойиш қилган «Йўқ нарсадан бир талай гавго» комедияси зўр муваффақият билан ўтди. Бу спектаклда театрнинг таниқли ижодкорлари — РСФСР халқ артисти. СССР Давлат мукофоти лауреати Б. А. Фрейндлих, РСФСР халқ артисти Н. О. Горбачев, республикада хизмат кўрсатган артистлар Н. Н. Ургант, А. В. Соколов Н. К. Вальяно, таланти актёрлар И. Лепешенкова, Р. Кульд, С. Чуркин, П. Гусаков, В. Савельева, В. Клейнер, В. Персиянов, Л. Любимова Б. Тетерин ва бошқалар қатнашиб ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Шу кунларда Нева бўйи санъаткорлари И. С. Тургеневнинг «Ноҳўр» комедиясини кўрсатишади. Бу спектаклда СССР халқ артисти. СССР Давлат мукофоти лауреати Александр Фёдорович Борисов иштирок этиб, бош роль Василий Семёнович Кузовкин образини ижро қилади. Бундан ташқари республика халқ артисткаси Е. П. Корякина, республикада хизмат кўрсатган артист К. И. Адашевскийларнинг қатнашиши нур устига аъло нур бўлади.

— Тошкент саҳнасида намойиш этилган ҳар икки классик асар театримиз репертуаридан мустаҳкам ўрин олган, — деди РСФСР халқ артисти Игорь Олегович Горбачев. — Биз ўзбек томошабинларини ҳар сафар янги-янги саҳна асарларимиз билан таништириб боришга ҳаракат қилмоқдамиз.

А. С. Пушкин номидаги Ленинград драма театри фақат спектакллар кўрсатибгина қолмай, балки пойтахтимиз меҳнаткашлари ҳузурида ҳам бўлишиб, ижодий учрашувлар ўтказишмоқда, концертлар беришмоқда. Бир группа санъаткорлар Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтида, «Қизил тонг» тикувчилик фирмасида меҳмон бўлишиб кичик, лекин ранг-баранг программада мароқли концерт кўрсатишди.

Нева бўйидан ташриф буюришган санъаткор-меҳмонлар бу учрашувларда ўз режалари, янги репертуар планлари ҳақида ҳам гапириб беришди.

Ленинградлик саҳна усталарининг гастроллари муваффақият билан давом этмоқда.

А. ЮСУПОВ.

Суратда: «Йўқ нарсадан бир талай гавго» комедиясидан саҳна.

Л. Глауберзон фотоси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 8.25 — Ўзбек музикали драмаларидан парчалар, 9.30 — Чанг тароналари, 10.10 —А. Лядов. Саккизта рус қўшиғи, 10.30 — Ўзбекистон радиосининг солистаари М. Дадабоева ва З. Султонов ижросида қўшиқлар, 11.15 — Халқ контроли амалда», 11.30 — Ленин ҳақида, партия ҳақида куйлаймиз, 13.30 — Чет эл композиторларининг романслари. 15.15 — «Саломатлик — туман бойлик», 15.20 — Маданият радиоуниверситети, 16.10 — «Тўрт фасл». Музикали эшиттириш (русча), 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 17.00 — Симфоник куйлар, 18.00 — «Юбилей йилини муддатидан илгари бажарамиз», 18.10 — Г. Мушель. «Бибихоним» балетидан саҳна ва рақслар, 19.20 — Татаристон композиторларининг асарлари, 20.00 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси, 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт, 22.20 — В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар, 23.15 — «Бузрук» макомидан парчалар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Тошкент кўрсатади.**

Рус тилида: 18.00 — Телеянгиликлар. 18.15 — Телефильм.

Ўзбек тилида: 18.40 — Телеянгиликлар, 18.55 — Совет киноленинномаси, 20.00 — Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш давом этмоқда, 20.20 — **«Болалик ҳуқуқи»** (ҳужжатли фильм), 21.25 —**«Юз биринчи сенатор»** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — **Москва кўрсатувлари,** 18.00 — **Душанба кўрсатади.** 20.00 —**Москва кўрсатади.** 22.30 — Хоккей бўйича **«Спартак»—ЦСКА** учрашуви.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент.** Кинофильм, 20.40 — **«Аҳиллик балоси»** (телеспектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 15/I да **Ҳамза,** 16/I да **Севги тумори.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/I да **Улимдан кучли,** 16/I да **Ўғирланган умр.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/I да **Баҳс,** 16/I да **Освенцим жаллодлари.**

КИНО

Озод туғилган — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 ва 3 да).

Эр-хотиннинг уруши... (2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5.15 ва кеч 8.30 минутларда).

Менинг ҳаётимсан (ўзбек тилида, кундуз соат 4.20 минутда), **Анжелика — фаришталар маликаси** (кундуз ва кечқурун): — НАВОИЙ номли.

Эрамиздан миллион йил илгари — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Балли ёшлар! — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Манеж қироли — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 да).

САНЪАТ САРОЙИДА 18 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ЯНГИ КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИЙ ФИЛЬМ

«СЕВИШГАНЛАР»

НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.

Сценарий муаллифи —Одельша АГИШЕВ.

Постановкачи-режиссёр — Эльёр ЭШМУҲАМЕДОВ.

Бош оператор — Гасан ТУТУНОВ.

Постановкачи-рассом — Садриддин ЗИЯМУҲАМЕДОВ, Маҳомет ЧОЧИЕВ.

Композитор — Богдан ТРОЦЮК.

Ролларни: Анастасия ВЕРГИНСКАЯ, Рустам САЪДУЛЛАЕВ Родион НАХАПЕТОВ, Нелла АТАУЛЛАЕВА, Ҳамза УМАРОВ, Бахтиёр ИХТИЁРОВ ва бошқалар ижро этадилар.

Кеч соат 7 да фильмни яратганлар билан учрашув бўлади.

18 январда сеанслар: кеч соат 7 ярим ва 9 яримда;

19 январда — кундуз соат 5 яримда кеч 7 ярим ва 9 яримда бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 10 дан кеч 9 гача очиқ

Справка учун телефонлар: 44-21-74 (автоответчик), 44-56-18.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА (В. И. Ленин номли майдон) 15 январь кеч соат 8 да

МУЗИКАНИ СЕВУВЧИЛАР УЧУН 8-АБОНЕМЕНТ БУЙИЧА

КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ

БЕТХОВЕН — САККИЗИНЧИ СИМФОНИЯ.

РАХМАНИНОВ — ОРКЕСТРЛИ ФОРТЕПЬЯНО УЧУН 2-КОНЦЕРТ.

БЕТХОВЕН — ГЕТЕНИНГ «ЭГМОНТ» ТРАГЕДИЯСИ МУЗИКАСИДАН УВЕРТЮРА.

Бутуниттифоқ бадиий коллективлар кўригининг лауреати

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ЗОҲИД ҲАҚНАЗАРОВ

Солист — Халқаро конкурс лауреати

НАУМ ШТАРКМАН

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

18 январь кундуз соат 2 да 4—6 СИНФ УҚУВЧИЛАРИ УЧУН 3-МУЗИКАЛИ АБОНЕМЕНТ БУЙИЧА

УЧИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ

«БЕТХОВЕН»

Лектор — Полина РОЙТЕНБЕРГ.

Қатнашадилар: БУТУНИТТИФОҚ БАДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КУРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЗОҲИД ҲАҚНАЗАРОВ

Солистлар: Марлис ЮНУСХОНОВ, Офелия ЮСУПОВА, Ника ТИТОВА, Дина САВЕНКО, Анвар НАЗАРХОНОВ ва Успенский номли 10 йиллик музика мактабининг ўқувчиси НИГОРА АҲМЕДОВА

Концертмейстер — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист МАРИАННА ШАБАДАШ

Концерт зали кассасида кундуз соат 12 дан билетлар сотилади.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА (В. И. Ленин номли майдон) 19 январь кеч соат 8 да

КОНЦЕРТ

Берлиоз — «Гарольд Италияда» симфония.

Хачатурян — Оркестрли скрипка учун концерт.

Маҳмудов — Симфоник эскизлар.

БУТУНИТТИФОҚ БАДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КУРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЗОҲИД ҲАҚНАЗАРОВ

Солистка — халқаро конкурс лауреати НИНА БЕЙЛИНА

Альт партиясини АБРАМ РОЗЕНБЛИТ ижро этади

М. КОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДАСИНИНГ БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

ФИЛАРМОНИЯ ВА ЭСТРАДА ЖАНРЛАРИ БУЙИЧА КОНЦЕРТ

программаларини олиб бориш учун конферансьеларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс — 16 январда бошланади.

Аризалар билан ўзбек Давлат филармониясининг музика бўлимига мурожаат қилинсин.

Аризалар эрталаб соат 10 дан кеч соат 6 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 10 уй.

Ўзбек ва рус тилларда нашр этилаётган

«КИНО»

ЖУРНАЛИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Журнал саҳифаларида янги фильмларга аннотация ва рецензия, киностудиясининг съёмка майдонларидан репортажлар, сценаристлар, режиссёрлар, операторлар, актёрларнинг ижодий портретлари, ўзбек киноси тарихидан материаллар бериб борилади.

Обуна баҳоси: бир йилга — 1 сўм 20 тийин.

Бир сони — 10 тийин.

«СОЮЗПЕЧАТЬнинг» ҳамма бўлимларида чекламаган ҳолда обуна қабул қилинади.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Шўрвон мамлакатларда

Нигериядаги аҳвол

ЛАГОС, (ТАСС). Нигериянинг шарқдаги уруш ҳаракатлари районидан олинган маълумотларга кўра, федерал қўшинлар сепаратчиларнинг асосий таянч шаҳри — Оверрини ишғол қилганлар. Федераль армия қисмлари Умумуахиа шаҳри сари жанг қилиб бормоқдалар, айни маҳалда душманнинг қуршаб олинган гуруҳларининг айрим қаршилиқ кўрсатиш ўчоқларини тугатмоқдалар.

Маҳаллий ва чет эл кузатувчиларининг далолат беришларига кўра, федераль қўшинлар ҳужуми чоғида сепаратчиларга шу қадар сезиларли зарба беридики, улар ўзларини ўнглаб олишлари амри-маҳол. Сепаратчилар масканидан олинаётган хабарлар у ердагилар ваҳимага тушиб умидсиз бўлиб қолганликларидан далолат беради. Сепаратчиларнинг кўпгина раҳбарлари Нигерия территориясидан қочиб қолмоқдалар. Улар орасида сепаратчилар режимининг бошлиги Одумеґу Ожукву ҳам бор. Баъзи чет эл мухбирларининг Биафрадан олинган маълумотларга асосланиб айтишларига кўра, Ожукву сепаратчиларнинг чекинаётган қисмларини штаб бошлиги полковник Филипп Эфионг қўл остида қолдириб, Либревиль (Габон) га жўфтакни ростлаб қолган.

Нигерия федераль ҳукуматининг бошлиги Якубу Говон кераксиз қон тўкилишига йўл қўймаслик мақсадида сепаратчиларга мурожаат қилиб, қуролларини ташлашга даъват этди, чунончи уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга кафолат берди. Айни маҳалда у чет давлатларнинг ҳукуматларини, шунингдек турли ташкилотлар ва хусусий кишиларни Нигерия ички ишларига аралашманг, деб огоҳлантирди, сепаратчиларнинг ҳокимияти остида бўлган ва ҳозирча улар қўлида қолаётган районлар аҳолисининг чекаётган кулфатларига шу йўл билангина тезроқ барҳам бериш мумкин, деб таъкидлади Якубу Говон.

Чет эллардан олинаётган хабарларига кўра, Нигерия давлати территориал бутунлигини тиклаш ишида федераль қўшинларнинг эришаётган муваффақиятларига Африкадаги кўпчилик мамлакатлар ижобий баҳо бермоқдалар. Жумладан, Конакри радиоси сўнгги воқеа-ларни «Биафрадан ва кучли Нигерияни тиклаш» йўлида босилган қадам ва Бирлашган Африка қурилишига қўшилган ҳисса» деб таърифлади.

Нигерия федераль ҳукумати чет эл «хайри-эҳсончилари»нинг уйдирмалари ва ташвишларини фош қилар экан, «Биафра» деб аталмиш областнинг асосий аҳолиси ибо халқига нисбатан ҳеч қандай зўравонлик қилинмаётганлиги ва қилинмаслигини равшан ва аниқ қилиб айтди. Бу гаплар у ёқда турсин, федераль маъмурлар уруш ҳаракатлари зонасида бўлган тинч аҳолига мурожаат қилиб, ўз уйларида бемалол тураверишларига ва федераль қўшинларнинг ҳужум қилиб бораётган қисмлари уларга озиқ-овқат ва бошқа зарур материаллардан ёрдам беришини кутишларига чақирди.

ЛАОС ХАЛҚИНИНГ ТАЛАБИ

ХАНОЙ, (ТАСС). Лаос ватанпарварлар фронти марказий комитетининг бош секретари ва 1962 йилда Лаос масаласи юзасидан Женевада тузилган битимларни бажарувчи миллий комиссиянинг аъзоси Фуви Вонгвитит Каосдан Патет-Лао агентлиги мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Қўшма Штатлар кўп йилдан буён Лаосга қарши «алоҳида уруш» деб аталган уруш шаклида агрессия қилиб келмоқда. АҚШ «ғашил қалпоқлар» бўлинмаларидан ва Таиланд қисмларидан фойдаланиб, шунингдек Лаоснинг озод қилинган ҳамда ватанпарвар кучлар назоратида бўлган жойларини қаттиқ бомбардимон қилиб, ана шу «алоҳида уруш» доирасини кенгайтирмоқда.

Лаос ватанпарварлар фронти ўз халқининг миллий мустақиллик принципи асосида тинчликка интилаётганлигини ҳурмат қилиб, Лаос масаласини оқилона ва адолатли ҳал этиш учун тинмай курашиб келмоқда. Биз Қўшма Штатлар Лаос ишларига аралашиш ва агрессия қилиш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатларни тўхтатиши лозим, токи Лаос халқи ўз ишларини 1962 йилда Лаос масаласи юзасидан Женевада тузилган битим асосида ҳал эта оладиган қулай вазият вужудга келтирилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

ВАТАНПАРВАРЛАР ЗАРБАСИ

ХАНОЙ, 13 январь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ Озодлик қуролли қучларининг жангчилари Куангнам вилоятида бешинчи январга ўтар кечаси Американинг денгиз пиёда аскарлари қисмларига қўқ-қисдан ҳужум қилдилар. Вьетнам информация агентлигининг Озодлик матбуот агентлигига асосланиб хабар беришича, жанг натижасида Америка ҳарбий хизматчиларидан 400 га яқин киши йўқ қилинди.

ИСРОИЛ ЯНА ИҒВОГАРЛИК ҚИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 13 январь. (ТАСС). Ливаннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий вакили Эдуард Горра Исроил ҳарбийлари Ливаннинг суверенитети ва территориал бутунлигини яна қўпол равишда бузаётганликлари тўғрисида Хавфсизлик Кенгаши раисига мактуб юборди.

Мактубда айтиладики, 9 январда Исроилнинг ҳарбий самолётлари Ливаннинг ҳаво доирасига бостириб кирди ва мамлакатнинг бир қанча аҳоли яшайдиган пунктларини бомбардимон қилди. Мана шу атайлаб уюштирилган қуролли агрессия натижасида тинч аҳолидан 7 киши ярадор бўлди. Шунингдек, моддий зарар етказилди. Бир неча уйлар вайрон бўлиб, автомашиналар ёниб кетди ва тош йўллар бузилди.

Мактубда таъкидлаб ўтиладики, бу янги қуролли ҳужумлар Исроилнинг Ливан тинчлиги ва хавфсизлигига бундан кейин ҳам таҳдид қилиб туриш, шунингдек унинг Яқин Шарқда можаро майдонини кенгайтириш ниятида эканлигидан далолат бериб турибди.

* *

АЖАЛ УРУҒИНИ СОЧУВЧИ...

А. Холиқов чизган сурат.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● НЬЮ-ЙОРК. Бу йил Америка фермерларининг аҳволи қоят мушкул бўлади. АҚШ деҳқончилик министрлигининг ҳисоботи айтишича, 1970 йил да мамлакатда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишни тўхтатиб қўйишга мажбур бўладиган фермерлар миқдори тағин ҳам ортади.

● ЛОНДОН. Британия ороллари-да жиноят тобора авж олмоқда. Ички ишлар министрлиги эълон қилган маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг дастлабки 9 ойи мобайнидагина Англия ва Уэльсда оғир жиноятлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,8 процент кўпайган. Шу давр ичида жами 1 миллион 115 мингдан ортиқ жиноят қилинган.

(ТАСС).

ФУТБОЛ ВОҚЕАЛАРИГА БОЙ ҲАФТА

● «ОЛТИН МАЪБУДА» МЕХИКОДА. ● ҚУРЪА ТАШЛАНДИ.

● ЧЕМПИОНАТ СОВЕТ ФУТБОЛЧИЛАРИ ЎЙИНИ БИЛАН БОШЛАНАДИ.

Январнинг ўтган ҳафтасида жаҳон футбол чемпионатининг қандай тартибда ўтказилиши билан боғлиқ инни шов-шувга сабаб бўлган воқеа муҳлисларни қизиқтирмоқда солди. Уларнинг бири душанба куни юз берган бўлса, иккинчиси шанбадан якшанбага ўтар кечаси бўлди. Қизиғи шундаки, Мексика чемпионатига тараддуд кўриш пайтидаги бу муҳим ташкилий тадбир «ФИФА» томонидан ниҳоятда усталик билан бажарилди.

1966 йилги жаҳон чемпионати арафасида бразилияликлар олтин ҳайкалча — маъбудани олиб келганларидан сўнг ўғирланган ва уни Пикиз деган ит топиб бергани каби воқеаларни муҳлислар ҳали-ҳали эслаб юрадилар.

Бироқ бу йил аксинча бўлди. «Маъбуда»ни собиқ чемпионлар — англияликлар билан хайрлашиб, жаҳон биринчилигининг навбатдаги ватани Мексикага келиб қолганини ҳеч ким сезмай қолди. Ҳатто махсус комиссия бу гал «Маъбуда»нинг янги сафари ҳақидаги хабарни матбуот, радиога шунингдек, журналистларга шипшитиб қўйишни ҳам лозим топмади.

«Маъбуда»нинг Мехикога етиб келиши ҳам жуда қизиқ бўлди. Ҳозирги замон самолётларида Лондон—Мехико йўли бир неча соатда босиб ўтилиши мумкинлигига қарамай, «Маъбуда»ни душанба куни эмас, балки пайшанбада манзилга етказишди. Афтидан, бу борада ҳам эҳтиёткорлик мақсадида самолётнинг учиш куни аниқ белгиланмаганди.

Аэродромга самолёт қўнганида «Пан американ» авиакомпаниясининг бешта бронлаштирилган транспортёри ва махсус топшириқли полиция отрядлари шайлаб қўйилган эди. Кичик тантанали маросимдан сўнг Англия футбол ассоциациясининг секретари Дэннис Фоллоуза тўрт йилдан бери авайлаб асраб келаётган олтин нусхани ўз қўли билан қўриқчилар бошлиғига топширди. Шундан кейин «Маъбуда» солинган бронетранспортёрда «Банко де коммерсио» банкига элтиб, бронлаштирилган махсус хонадаги антидинамитли пўлат сандиққа солиб қўйилди.

Шанба, 10 январь куни кечқурун чемпионатда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган командаларни группаларга бўлиш ва учрашувлар кунини белгилаш мақсадида қуръа ташланди. Мехикодаги «Мария Исабель» меҳмонхонасида ўтказилган бу маросимда «Олтин маъбуда» IX жаҳон чемпионати ташкилий комитетининг президенти сеньор Гильермо Каньедо тарқатган таклиф билетлари билан келган муҳлислар, журналистлар ва радио-телевидения компаниялари ходимларидан иборат қариб мингга яқин кишига намойиш қилинди.

Шундай қилиб чемпионатнинг биринчи учрашуви 31 май куни 110 минг томошабинга мўлжалланган «Ацтека» стадионида майдон эгалари мексикаликлар билан СССР терма командаси ўртасида ўтадиган бўлди.

Биринчи группага кирган командалар ўйини: 3 июнь — Бельгия—Сальвадор, 6 июнь — СССР—Бельгия, 7 июнь — Сальвадор — Мексика, 10 июнь — Сальвадор — СССР, 11 июнь — Бельгия—Мексика.

Чемпионатда қатнашувчи 16 команда тўрт группага бўлинди. Ўйинлар 21 июнгача давом этиб, жами 32 учрашув ўтказилади. Ҳар бир группа қатнашчилари 1-4, 5-8, 9-12 ва 13-16 рақамлари билан номерланган бўлиб, биринчиси Мехикода, иккинчиси Пуэбла ва Толука стадионларида, учинчиси Гвадалахар ҳамда тўртинчиси Леон стадионларида ўйнайдилар. Группа голиблари ва иккинчи ўринни олган командалар чоранг финалга кириш учун ўзаро беллашадилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу чемпионатда «Олтин маъбуда» Бразилия, Италия ё бўлмаса Уругвай терма командаларидан бирига насиб этгудек бўлса, у ҳолда нубок янги чемпионнинг хусусий мулкига айланади. Чунки, бу командалар илгари ҳам шу «бойлик»ни икки мартадан қўлга киритган эдилар. Футбол чемпионатининг шартига кўра, учинчи гал эса «маъбуда» ўша командага мутлоқ берилади. Бундай ҳолларда Халқаро футбол федерациясига «маъбуда» ясаш учун янги буюртма беришга тўғри келади.

Ҳ. НОСИРОВ.

АЖОЙИБОТЛАР

ШОФЕР... УХЛАМАЙДИ

МАЪЛУМКИ, йўл текис, тинч бўлса кўпинча шофёрлар рулда ухлаб қолишади. Айниқса тунда бунақа ҳодисалар кўп бўлиб туради. Француз инженерлари уйқуга кетаётган шофёрни уйғотувчи асбоб ихтиро қилдилар. «Электрон уйғотгич» миянинг ишини «нозатиб» туради. Шофёрнинг кўзи юмилаётган пайтда чироқни ёқиб, сигнал беради. Агар шофёр бу сигнални сезмай уйқуга кетса, у ҳолда «ақлли асбоб» ўша секуднинг ўзидаёқ моторни учириб, гудок беради.

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛГАН... НАҲАНГЛАР

50 ГА яқин наҳанг-балиқ (ҳар бирини узунлиги 4 метр, оғирлиги 400 килограмм) Форт-Пирс (Флорида штати) шаҳрига яқин жойдаги қирғоққа ўзини ташлади. Қирғоқдаги соҳчилар, маҳаллий аҳоли наҳанг-балиқларни сувга ҳайдаб юборишмоқчи бўлишди. Денгизчилар бир нечта балиқларни тўр билан ушлаб, қайиқларда океаннинг ичкарисига ташлаб келишди. Лекин наҳанг балиқлар яна қирғоққа сузиб келиб, ўзини қумга отишди ва ҳалок бўлишди.

Бу ҳодисанинг сабаблари ўрганилмоқда.

ШИФОБАХШ ДАРАХТ

ХИН дарахтининг шифобахшлиги қадимдан маълум. Перу ва Боливия мамлакатларининг халқлари бу дарахт пўстлоғидан талқон тўйиб, унга ун ва сув аралаштириб, беморларга дори сифатида беришган.

Малҳамнинг довруғи Европага ҳам тарқалган. Шундан сўнг европаликлар Перу ва Боливиядан хин дарахтининг пўстлоғларини вагон-вагон ташиб келтира бошладилар. XIX асрнинг ўрталарида хин дарахтлари деярли қуритиб юборилди. Перу ва Боливияда бу дарахтнинг пўстлоғини олиш ва уруғини олиб кетишни ман этувчи қонунлар чиқарилди. Шунда голландияликлар 1845 йилда хин дарахти ва унинг уруғини ўғирлаб, махсус кемада ўз юртларига олиб келдилар. Ҳозир бу ўсимлик Ява ва Ямайкада, Цейлонда, Конгода, СССРнинг иқлими мўътадил районларида ўстирилмоқда.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337604. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333256. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 339553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Наманган 21—88, Нукус — 42—62, Самарқанд 31—972, Термез 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55, Гулистон — 22—09.

№ Г — 11. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583 Р. — 07920.